

STOMATOLOGIYA

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

ISSN 2091-5845

№1 (82) 2021



31

Костные выступы на верхней челюсти и совершенствование методов изоляции с помощью двойных базисов в съемных протезах

53

Оптимизированные подходы к комплексному лечению пациентов с хроническим рецидивирующим афтозным стоматитом

82

Психоакустические показатели состояния слуха у больных болезнью меньера в период между приступами

СТОМАТОЛОГИЯ ДЕТСКОГО ВОЗРАСТА

- Исаходжаева Х.К., Даминова Ш.Б., Хаджиметов А.А., Абдиримова Г.И.** Влияние гестационного возраста и массы тела новорожденного на прорезывание зубов.....40
- Камалова Ф.Р.** Разработка программы диагностики стоматологических заболеваний у детей с сахарным диабетом.....42
- Мирсалихова Ф.Л., Эронов Ё.Қ.** Мия фалажи билан касалланган болаларда тиш кариесини рокс гели орқали даволаш усуллари.....45
- Сайдалиев М.Н., Муртазаев С.С.** Бошланғич мактаб ёшидаги болаларда стоматологик профилактик таълим дастурлари.....47
- Эшбадалов Х.Ю., Махкамова Ф.Т., Насретдинов З.Т., Нажмиддинов Б.Б., Эшбадалов Н.Х.** Отдаленные исходы остеомиелита челюстей, перенесенных в раннем детском возрасте.....51

ОБЗОРНЫЕ СТАТЬИ

- Алимова Д.М., Абдуллаева М.Р., Юлдашева Н.А., Таджиева К.Р.** Оптимизированные подходы к комплексному лечению пациентов с хроническим рецидивирующим афтозным стоматитом.....53
- Азимов А.М., Турсуналиев З.З., Шадманов А.А.** Современные методы комплексного лечения воспалительных заболеваний периапикальных тканях.....56
- Бекжанова О.Е., Каюмова В.Р.** Клинические проявления Covid-19 в полости рта.....60
- Зойиров Т.Э., Содикова Ш.А.** Заболевание пародонта у беременных женщин на фоне железодефицитной анемии: этиология, патогенез, лечение и профилактика.....64
- Кузиев Ш.Х., Хасанов Ш.М., Маликов С.О., Садуллаева Ш.Л., Жалолов Р.А.** Выбор хирургической тактики при сочетании атрофии костной ткани верхней челюсти и кист верхнечелюстной пазухи.....69
- Усманова Д.Р., Мукимов О.А., Диего Лопс, Мукимова Х.О., Тургунов М.А.** Изучение дентальной имплантации с помощью метода “Root membrane” в верхней челюсти для повышения эффективности сохранения зубо-альвеолярного сегмента.....73
- Хабиллов Н.Л., Сафаров М.Т., Азизова Ш.И.** Ортопедик стоматологияда чархлашдан кейин келиб чиқадиған гиперестезияни замонавий профилактика ва даволаш усуллари.....77

PEDIATRIC DENTISTRY

- Isakhodzhaeva Kh.K., Daminova Sh.B., Khodzhimetov A.A., Abdirimova G.I.** Influence of gestational age and body weight of a newborn on teething.....40
- Kamalova F.R.** Development of a program for the diagnosis of dental diseases in children with diabetes mellitus.....42
- Mirsalikhova F.L., Eronov E.K.** Methods for the treatment of dental caries in children with cerebral palsy.....45
- Saidaliyev M.N., Murtazaev S.S.** Dental prophylactic education programs in primary school age children.....47
- Eshbadalov Kh.Yu., Makhkamova F.T., Nasretdinov Z.T., Nazhmiddinova B.B., Badalov N.H.** Long-term outcomes of osteomyelitis of the jaws suffered in early childhood.....51

REVIEWS

- Alimova D.M., Abdullayeva M.R., Yuldasheva N.A., Tajjiev K.R.** Optimized subpads for a comprehensive review of patients with chronic recurrent stomatitis.....53
- Azimov A.M., Tursunaliyev Z.Z., Shadmanov A.A.** Modern methods of complex treatment of optimized diseases of peripheral glasses.....56
- Bekzhanova O.E., Kayumova V.R.** Clinical veneration of Covid-19 in the RTA Protocol.....60
- Zoiriv T.E., Sodikova Sh.A.** Periodontal disease in pregnant women with iron deficiency anemia: etiology, pathogenesis, treatment and prevention.....64
- Kuziev Sh.Kh., Khasanov Sh.M., Malikov S.O., Sadulaeva Sh.L., Jalalov R.A.** The choice of tactics for empathy of horse bone tissue in the jaw technique and who is the upper jaw.....69
- Usmanova D.R., Mukimov O.A., Diego Lopes, Mukimova Kh.O., Turgunov M.A.** Study of dental implantation using the “Root membrane” method in the upper jaw to improve the efficiency of preserving the dental-alveolar segment.....73
- Khabilov N.L., Safarov M.T., Azizova Sh.I.** Orthopedist helicopter dentist kayin kelib chikadigan hyperesthetic chiropractic care and anti-aging.....77

ОРТОПЕДИК СТОМАТОЛОГИЯДА ЧАРХЛАШДАН КЕЙИН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ГИПЕРЕСТЕЗИЯНИ ЗАМОНАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ



Хабилов.Н.Л., Сафаров.М.Т., Азизова.Ш.И.

Тошкент давлат стоматология институти

Ортопедик стоматологияда чархлашдан кейин келиб чиқадиган сезувчанлик энг кўп учрайдиган асоратлардан бири ҳисобланади.

Ортопедик стоматологияда қоплама, ярим қоплама, қистирма, винир, кўприксімаон протезлар тайёрлашда тиш қаттиқ тўқималари эмал ҳамда қисман дентин тўқималари чархлангандан сўнг кўпинча тиш қаттиқ тўқималарини ўтказувчанлиги ошишига ва тишлардаги юқори сезувчанликка, кейинчалик тиш пулпаси некрозига олиб келади (Гришилова Е.Н 2010; Матвеева А.И ҳаммуаллифлар билан 2006; Прохончуков А.А, ҳаммуаллифлар билан, 2003).

Замонавий стоматология амалиётида тиш пулпаси ҳаётчанлиги ва унинг фаолиятини сақлаб қолиш муҳим аҳамият касб этади. Стоматологияда витал тишлар реставрациясини қўллаш асосий клиник афзаллик саналиб, олиб қўйилмайдиган тиш протезларининг мустаҳкам адгезия ва фиксацияни таминлайдиган ҳамда бемор ҳаёти сифати яхшиланишига ёрдам беради (Головаленко А.Л, ҳаммуаллифлар билан 2014; Проскурдин Д.В ҳаммуаллифлар билан 2013).

Тишларнинг замонавий реставрация усуллари чархланган витал тишларни ташки таъсирлардан химоялаган ҳолда олиб борилиши зарур (Шарановская А.О, ҳаммуаллифлар билан 2013; Chu C.H et al, 2014; Pinto S.C et al.2014).

Сунъий синтезланган гидроксиапатитни қўллаш чархланган тишлар қаттиқ тўқимаси резистентлигини ошишига ёрдам беради (Афанасов Ф.П 2010, Байтус Н.А 2014, Булкина Н.В ҳаммуаллифлар билан 2014).

Гидроксиапатит сақловчи препаратлар, шунингдек ProArgin-8% аргинин ва калций карбонат бирикмаси тишлардаги юқори сезувчанлигида қўлланилади. Ушбу препаратни чархланган тишлар сезувчанлигида қўллаш амалиёти хали ўтказилмаган (Бурик А.Ю 2014; Гажва С.И 2012; Pilo R. et. al. 2016).

Дентин сезувчанлиги муаммоси турли препаратлар ишлаб чиқишга тўртки берди.Бу

препаратлар кимёвий таркиби, таъсир механизми ва кўрсатмасига қараб турли хил бўлади. Лекин уларни мақсади битта бўлганлиги учун уларга десенситайзерлар деб ном берилди, улар дентин каналларини ёпади, понасимон нуқсон шаклланишини олдини олади, дентин устида парда ҳосил қилади. Ҳозирги кунда стоматологик десенситайзерлардан “Gluma Desensitayzer”, “Seal&Protest”, “Desensil”, “D/Sense 2”, “Vivo Sens” ишлаб чиқарилади (Жолудев С.Е Димитрова Ю.В 2013).

Гаража С.Н. Некрасова А.А (2006) ўзларининг изланишларида 30% ли кумуш нитрати эритмасини чуқур чархлашларда чархлашдан кейинги оғриқларни олдини олишда яхши натижа беришини айтишган. Кумуш нитрати яллиғланишга қарши, бактерицид ва асоратларга қарши таъсир этади.

Тиш қаттиқ тўқималари қалинлигини қатор олимлар томонидан урганилган буларга: Липетс М.С ва Комаленкова Э.С (1955) махсус ўлчовлар ўтказиб тиш қаттиқ тўқимасини қалинлиги жадвалини тайёрлашган.

Аболмасов Н. Г (1967) олд тишлар қаттиқ тўқимасини ҳар-хил ёшдаги инсонлардаги қалинлигини ўлчаган ва фронтал тишлар учун хавфсиз юзаларни қалинлик жадвалини тузган.

Клюев Б.С (1972) ва Гаврилов Э.И чархлашда тишларни хавфсиз сохалари борлигини айтиб ўтган ва жадвал тузишган унга кўра юқори ва пастки жағ тишлари фронтал тишларга нисбатан қалин тиш қаттиқ тўқималарига эга.

Клюев Б.С буйича, хавфсиз юзалар фронтал тишларда кесув киррасидан пулпа бўшлиғи орасидаги ораликда купрок, орал-вестибуляр ва экватор қисмларида нисбатан камроқ бўлади. Премолярларда хавфсиз юзалар чайнов, апроксимал, орал-вестибуляр, экватор юзаларида бор лекин апроксимал бўйин сохаларида камроқ ҳисобланади. Моляр тишларда чайнов юзасида хавфсиз юза қалин бўлади. Ушбу зоналарда чархлашни олиб бориш депульпациясиз замонавий

ортопедик қопламаларни тайёрлашга имкон беради.

Султанова Ч.З (2019) минимал инвазив стоматология концепсияси мавзусидаги изланишларида Flowfill LC, Microhybrid L.C ва Nanofill L.C дан (ДКГ-дентин кечиктирилмаган герметизациясида) фойдаланган.Бунда ушбу композитларни клиник вазиятларда қўллаган.

Унга кўра кариес ва понасимон нуқсонда минимал инвазив усулда даволашда фақат некротик тўқималарни олиш,эмални сақлаш ва чархлашда кичик ишчи қисмли борлардан фойдаланиш ва махсус кариес детекторлардан фойдаланган холда некротик тўқимани олишга асосланган.Адгезив тизимни тўғри қўллаб ва оқувчан композитларни қўллашдан кейин сезувчанликни олдини олиш мумкин.

Сергеевич К.И ва Валеревич П.В (2013) лар ортопедик давондан кейинги асоратларда “Остим-100” ва “ГАП 85-б” препаратларини таққословчи баҳолашни утказишди.Ушбу препаратлар гидроксиапатит асосли бўлиб дентин каналларини беркитишда ишлатилади. Тишларни витал ҳолатида ортопедик қопламалар учун чархланганда келиб чиқадиган асоратлар(тиш қаттиқ туқималари юқори сезувчанлиги, пулпит, периодонтит) дентин каналларини очилиши оқибатида ва протезлашгача бўлган ораликда сўлак таркибидаги инфекция,дори препаратлари, протез фиксацияси учун қўлланиладиган материалларни пуллага таъсири туфайли келиб чиқади.Дентин каналларини “Ostim-100” ва “GAP 85-b” препаратлари билан герметизацияси эса юқорида кўрсатилган асоратларни олдини олади.

Гаража С.Н, Кашников П.А, Гришилова Е, Н, Кодзвкова Т.С(2014) лар томонидан ортопедик даволаш учун чархланган витал тишларда дентин ўтказувчанлигини камайтиришда лазер терапиясини қўллаш самарадорлиги ўрганиб чиқдилар.Улар “Оптодан” стоматологик яримўтказувчан арсенит галлий асосли терапевтик лазер апаратидан фойдаланишди. Унда иккита канал бўлиб 1-канал яллиғланишга қарши, 2-канал стимуляцияловчи яъни регенераця жараёнларни тезлаштирувчи таъсирга эга. Бу лазерни қўллаш 40.9% самарадорликка эга эканлиги аниқланди.

Мандра Ю.В ва Власова М.И хам ўз навбатида тадқиқотларида тиш бўйин олди соҳаси кариесини (Блек V синф) чархлашдан кейин келиб чиқадиган юқори сезувчанлигини олдини олиш мақсадида диод лазердан фойдаланишган ва ушбу усул юқори самара берган.

Дедеян С.А, Абкарян Г.А (2008) лар кариес профилактикаси, даволаш ва чархлашдан кейинги оғрикни олдини олишда “Сафорайд” эритмасини

тавсия қилишади. Унинг даволовчи таъсири уни таркибида кумуш ва фтор борлиги учун амалга ошади.

Гиперестезияни даволаш ва профилактикаси учун 1% ли натрий фторид эритмасини электрофорез қилиш хам даволаш усулларида биридир.Фтор ионофорези (“Рагкен”, АҚШ) -тиш юмшоқ ва қаттиқ тўқималарига юқори концентрацияларини ион шаклида киритишдир. Бу амалиёт учун “Десенси-трон 11 ” апаратини қўлланилади. Унинг ишлаш принципи ўхшаш зарядларни итарилиш қонуниятига асосланган. Натрий фториди ионларга ажралганда фтор манфий ионланади ва тиш тўқималарига чуқур киради ва у калций гидроксиапатитлари билан кимёвий бирикма фторапатитлар ҳосил қилади. (Гаража С.Н, 2010)

Кнаппвост А.О(1998) чуқур фторлашни методикасини ишлаб чиқди. Унинг айтишича оддий фторлашда фтор бирикмалари тишнинг фақат юза қаватларида жойлашади ва тиш ювилганда осон олиб ташланади.Кнаппвост А. Оэса икки хил препаратни ишлаб чиқди Уларни кетма кет қўллаш эмал варонкаларида ва очилган дентин каналларида чуқур қаватларда катталиги 5 нм келадиган калций фтор кристалларини ҳосил қилади ва ременерализацияловчи таъсир кўрсатади.

Эмал ва дентин герметизацияловчи суюкликлар дезинфекцияловчи хусусиятга хам эга ва эмал,дентин ва цементни микроблардан химоя қилади. Дентин герметизацияловчи суюкликни қўллашга кўрсатма:

1. Кариес ва иккиламчи кариес рецедивини олдини олиш учун.

2. Чархланганда дентин сезувчанлигини камайтириш ва олдини олиш учун.

3. Витал тишларни пломбалашда пулпани химоялаш учун.

Хусусиятлари: дентин ва пулпани ҳамма таъсирловчилардан жумладан кислота ва полимерлардан қолган мономерлардан химоялайди. Фтор ва мис ионлари юқори концентрациясида бактериоцид таъсир қилади. Кнаппвост А.О фикрича, дентин герметизацияловчи суюклик бондинг ва кислотали ишловга ҳалақит бермайди.

Дентин юқори сезувчанлигида тез ёрдам сифатида калий нитратдан фойдаланилади. Калий нитратни десенсибилизацияловчи хусусиятини калий ионларини нерв охирларига таъсири натижасида уларни бирламчи деполяризациясидан сўнг реполяризациясини блоклайди ва оғрик йўқолади (Jacobsen P.L, Kedjarune U, Koch M.J 2000).

Хозирги кунда революцион технологияларга:

фотоактивловчи дезинфекция (ФАД), бактериостатик даволаш (БТС-даволаш), фотодинамик даволаш (ФДД) ларни киритиш мумкин. ФАД махаллий яллиғланишларни даволашда антибиотик ва антисептиklarга алтернатив даво хисобланади. БТС-даволаш принципи бу молекулалар бактерия мембранасига бирикади. Нур ёрдамида нурлантирилганда кислород атомлари ажралади ва бактериоцид хусусиятни беради. Лекин қуйидаги айтиб ўтилган технологиялар технологик қийинчиликлар ва чегараланган таъсири туфайли ҳозирги кунда клиникада кам ўрин топган (Ritter A.V 2006).

Охирги йилларда лазер нафақат тишларни чархлаш балки ҳар хил препаратлар билан бирга дентин гиперестезиясида ҳам қўлланилмоқда.

Лазернинг нейротроп таъсири унинг муҳим хусусиятидир у нерв импульсларини ўтказилиши ва нерв толаларини тикланишини яхшилайдди. Лазер нури иссиқлик таъсири туфайли органик таркибни (оксил, мукополисахаридларлар) денатурациясини чакиради ва бу денатурация махсулотлари билан дентин каналлари ёпилади ва дентин сезувчанлигини 90% гача пасаяди. Дентиннинг ташки таъсирларга чидамчилиги бир йилгача сакланади. Ва яна лазер терапияни такрорлаш керак бўлади (Беликов А.В 2009).

Каминтенсивлазербузарарсизлазербўлибинсон тўқималарига даволовчи таъсир қилади. Шунинг учун тиббиётда (LLLT-LowLevelLaserTherapy) тиббиёт амалиётлардан сўнг кўп ишлатилади. Кам интенсив лазер иссиқлик чиқармайди шунинг учун термик эффекти йўқ. Стоматологияда кам интенсив лазерни стимуляциловчи, активловчи, биологик жараёни нормаллаштирувчи таъсири борлиги туфайли қўллаш қизиқиш уйғотади.

Криваногова Л.Б (2007) текширувлари шуни кўрсатдики инфракизил доимий частотали лазер деменерализация ўчоғини яхшилайдди ва тиш қаттиқ тўқималарини мустаҳкамлайди. Терапевтик стоматологияда кам интенсив лазерни қўллашга кўрсатма бўлиб: пародонт касалликларида ва оғиз бўшлиғи шиллик қавати яллиғланиши, пулпит ва периодонтит, одонтоген яллиғланиш жараёнлари (алвеолит, периостит, абсцесс ва флегмоналар), остеомиелит ва жағ синишлари, уч шохли нерв невралгияси, травма, қуйишлардир. Қарши кўрсатмаларга умумий нурли физиотерапевтик муолажалардаги кабидир. Уларга: қон-томир системасининг оғир кечувчи касалликлари, юрак ритмини бузулишлари, коронар қон айланиши бузулиши билан кечаётган атеросклеротик кардиосклероз, церебрал қон айланишини бузилиши билан кечаётган церебрал склероз, аортал аневризмалар,

нерв системасининг тўсатдан қўзғалувчан касалликлари, қон касалликлари, гипертиреоз, ўпканинг оғир босқичдаги эмфиземаси, буйрак етишмовчилиги, хавфли ўсмалар, декомпенсация босқичдаги қандли диабет ва бошқалар.

Лазер нурини тиш қаттиқ тўқимасига таъсири туфайли пулпанинг хужайравий элементларида моддалар алмашинуви кучаяди. Лазер нури бундан ташқари фибринолитик ва тромболитик хусусияти яъни: сладж - синдроми ликвидацияси, микротромбозлар, микроциркуляция оқимда қон айланиш тикланиши, тўқима гипоксиясини ва ацидозни пасайиши, бузилган тўқима метоболизмини ва трофикасини тиклайдиган эффектни беради. Бундан ташқари лазер нури аналгетик, бактериостатик ва бактериоцид таъсир қилади ва махаллий иммун тизимини активлаштиради (Шугайлов И.А 2011).

Ҳозирги вақтда юқори интенсив лазер нурлари тиш қаттиқ тўқималарини чархлаш, суяк ва юмшоқ тўқималарини кесиш ва ажратиш учун қўлланилади. Диод лазерлар 792-1030 нм ли тўлқин узунлигига эга ва қисман кучсиз тасирлидир. Диодли лазер аппаратлари компакт ва клиникада қўллаш учун қулайдир (Ковинова А).

Хулоса: Тегишли мавзудаги илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, тиш қаттиқ тўқимасини олиб қуйилмайдиган тиш протезлари билан протезлаш учун чархланган тишлар пулпа тўқимасини шикастламаслик мақсадида бир неча усуллар мавжуд.

Кам интенсив лазер нурлари тиш тўқимасининг органик таркибини яъни оксил ва мукополисахаридларни денатурациялайди, денатурация махсулотлари дентин каналларини ёпади.

Эмал ва дентин герметизацияловчи суюқликлар дентин каналларини ёпиши билан бирга дезинфекцияловчи хусусиятга эга, яъни микроблардан ҳимоя қилади.

Хавфсиз соҳалар чегарасида чархлашни олиб бориш эса дентин каналларини очилишини ва шу билан бирга чархлашдан кейинги огриқлар, тиш пулпасига булган зарарли таасуротларни олдини олади.

Тиш қаттиқ тўқимасини чархлаш вақтида пулпага зарарли тасирларни камайтириш учун борни тугри танлаш, борни оптимал айланиш тезлиги ва оптимал босимда чархлаш, сув билан чархлаш, тухтаб чархлаш каби омилларга амал қилиш лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Загорский, В.А. Прочностные свойства твердых тканей зубов. Часть II В.А. Загорский, И.М. Макеева, В.В. Загорский Российский

стоматологический журнал. -2014 стр.9-12

2. Dentin hypersensitivity following tooth preparation: A clinical study in the spectrum of gender K. Yadav, A. Sofat, R.S. Gambhir, V. Galhotra J Nat Sci Biol Med.- 2014 p.21-24

3. Ding, Y.J. A randomized double-blind placebo-controlled study of the efficacy of Clinpro XTvarnish and Gluma dentin desensitizer on dentin hypersensitivity Y.J. Ding, H. Yao, G.H. Wang Am J Dent. -2014 p.79-83

4. Effect of a new combined therapy with nano-carbonate apatite and CO2 laser on dentin hypersensitivity in an in situ model S.Y. Han, J.S. Kim, Y.S. Kim, H.K. Kwon, B.I. Kim Photomed Laser Surg. -2014 p.394-400

5. Effectiveness of nano-hydroxyapatite toothpaste in reducing dentin hypersensitivity: A double-blind randomized controlled trial M. Vano, G. Derchi, A. Barone, U.Covani Quintessence Int.- 2014 p.703-711

6. Enhancement of nano-hydroxyapatite bonding to dentin through a collagen calcium dual-affinitive peptide for dentinal tubule occlusion R. Wang, Q. Wang, X. Wang [et al.]

7. J Biomater Appl. -2014 p.268-277

8. Randomized controlled clinical trial on the efficacy of dentin desensitizing agents /Mehta D., Gowda V.S., Santosh A., Finger W.J., Sasaki K. Acta Odontol Scand. -2014 p.1-6

9. The Effect of Three Desensitizing Agents on Dentin Hypersensitivity: A Randomized, Split-mouth Clinical Trial C. Torres, T. Silva, B. Fonseca, A. Sales, P. Holleben, R. Di Nicolo, A. Borges Oper. Dent.- 2014 p.13-25

10. West, N. Dentine hypersensitivity N. West, J. Seong, M. Davies Monogr. Oral Sci. -2014 p.108-122

11. Oral Health Related Quality of Life Before and After Treatment of Dentin Hypersensitivity With Cyanoacrylate and Laser Thiago Cesar Lima Natalia Maria Vieira Barbosa Camila GRASIELLE de Sa Azevedo Fabiana Rodrigues de Matos Dhelfeson Willy Douglas de Oliveria Evandro Silveira de Oliveira Maria Leticia Ramos Jorge Patricia Furtado Goshalves and Olga Dumont Flecha Journal of Periodontology February 2017 p.162-164

12. Clinicians Guide to the Diagnosis and Management of Tooth Sensitivity SaharTaha Brian H.Clarkson,2014 p.42-44

13. Treatment of frictional dental hypersensitivity with computer guided occlusal adjustments.Yiannios N1,Kerstein RB2,Radke J2.Cranio.2016 p.53-58

14. Oral Health Related Quality OF Life Before and After Treatment of Dentin Hypersensitivity With Ceanoarelaty and Laser Thiago Cesar Lima NaTalia Maria Vieira Barbosa Camila Grasielle de Sa Azevedo

Fabiana Rodrigues de Oliveira Evandro Silveira de Oliveira Maria Leticia Ramos Jorge Patricia Furtado Goshalves and Olga Dumont Flecha. Journal of Periodontology February 2017 p.166-172

15. Clinicians Guide to the Diagnosis and Management of Tooth Sensitivity SaharTaha Brian H Clarkson,2014 p.45-51

16. Treatment OF frictional dental hypersensitivity with computer guided occlusal adjustments.2016 p.24-28

17. Гаража И.С. оценка изменения резистентности эмали и эффективности применения аргининсодержащего препарата для реминерализующей терапии при отбеливании витальных зубов\ И.С. Гаража,Т.Ш.Коджакова,И.А.Кражан \ Актуальные вопросы клинической стоматологии. Сборник научных работ-СтГМУ 2014 стр.72-75

18. Гришилова, Е.Н. Применение лазерного излучения в комплексной защите витальных зубов, препарированных подметаллокерамические несъемные протезы/ Е.Н. Гришилова, С.Н. Гаража,Т.Ш. Коджакова// Сб. работ 49 Всероссийской научно-практической конференции «Актуальные вопросы клинической стоматологии». - Ставрополь. - 2014. - С. 120-122Т.Ш.Коджакова. И.С.Гаража. И.А.Кражан. А.О.Готлиб 2014 стр.334-343

19. Загорский, В.А. Прочностные свойства твердых тканей зубов.Часть II/ В.А. Загорский, И.М. Макеева, В.В. Загорский // Российский стоматологический журнал. -2014 стр.42-44

20. Влияние лазерного излучения на проницаемость дентина и функциональное состояние пульпы препарированных зубов/ С.Н.Гаража. П.А.Кашников. Е.Н.Гришилова. Т.Ш.коджакова. // Вестник новых медицинских технологий 2014 стр.18-21

21. Терапия гиперестезии твердых тканей с применением аргининсодержащей пасты при отбеливании витальных зубов/ И.С.Гаража. С.Н.Гаража. А.Н.Бражников. А.В.Зеленская. Т.Ш.Коджакова. З.Б.Чочиева // Актуальные вопросы клинической стоматологии. Сборник научных работ-СтГМУ.2015 стр.76-78

22. Оценка клинических результатов применения фотодинамической и лазерной терапии при лечении катарального гингивита/ К.Ю.Демина. Е.Н.Гришилова. Т.Ш.Коджакова. С.Н.Гаража. // Медицинский вестник Северного Кавказа. 2016 стр.592-593

23. Эффективность гипосенсилизации твердых тканей зубов аргининсодержащей пастой/ И.С.гаража. М.Н.Орлов. Т.Ш.Коджакова.

С.С.Хачатуров. // Актуальные вопросы клинической стоматологии. Сборник научных работ-СтГМУ.2016 стр.65-67

24. Воздействие аргинина и фтора на резистентность твердых тканей зубов аргининсодержащей пастой/ И.С.Гаража. Т.Ш.Коджакова. С.Н.Гаража. Е.Н.Гришилова. // Актуальные вопросы клинической стоматологии -СтГМУ 2017 стр.52-54

25. Анализ осложнений при профессиональном отбеливании витальных зубов и их коррекция/ И.С.Гаража. А.О.Готлиб. И.А.Кражан. Т.Ш.Коджакова. // актуальные вопросы клинической стоматологии. Сборник научных работ-СтГМУ - 2014 стр.115-118

26. Влияние лазерного излучения на проницаемость дентина и функциональное состояние пульпы препарированных зубов/ С.Н.Гаража. П.А.Кашников. Е.Н.Гришилова. Т.Ш.Коджакова. // Вестник новых медицинских технологий. 2014 стр.18-21

27. Терапия гиперестезии твердых тканей с применением аргининсодержащей пасты при отбеливании витальных зубов/ И.С.Гаража. С.Н.Гаража. А.Н.Бражникова. А.В.Зеленская. Т.Ш.Коджакова. З.Б.Чочиева. // Актуальные вопросы клинической стоматологии. Сборник научных работ-СтГМУ.2015 стр.76-78

28. Оценка клинических результатов применения фотодинамической и лазерной терапии при лечении катарального гингивита/ К.Ю.Демина. Е.Н.Гртшилова. Т.Ш.Коджакова. С.Н.Гаража. // Медицинский вестник Северного Кавказа. 2016 стр.592-593

29. Оценка действия антисептиков на дентин препарированных зубов/ А.Н.Бражникова. С.Н.Гаража. Т.Ш.Коджакова. И.С.Гаража. // В сборнике: Актуальные аспекты современной стоматологии и имплантологии Материалы научно-практической конференции. –СтГМУ. 2017 стр.322-326

30. Эффективность терапии гиперестезии твердых тканей зубов/И.С.Гаража. Т.Ш.Коджакова. С.Н.Гаража. Е.Н.Гришилова. // В сборнике: Современные диагностики, лечения и профилактики стоматологических заболеваний. -СтГМУ 2018 стр.177-179

31. Влияние комплексного воздействия аргинина и гидроксиапатита на твердые ткани препарированных зубов/ Т.Ш.Коджакова. С.Н.Гаража. Е.Н.Гришилова. М.С.Гришков. Д.В.Мартынов. // Российский стоматологический журнал- 2018 стр.18-21

Аннотация

На основании анализа специальной литературы

изучены современные методы профилактики и лечения постоперативной гиперестезии зубов. Современные методы профилактики гиперестезии после препарирования направлены на поддержание жизнеспособности и активности пульпы зуба, при этом шлифование зубов должно осуществляться в условиях защищённых от внешних воздействий. Использование искусственно синтезированного гидроксиапатита, современных десенсибилизаторов, электрофореза 30%, раствора нитрата серебра, 1% раствора фторида натрия, нитрата калия, лазера низкой интенсивности эффективно в современной профилактике и лечении чувствительности после шлифовки.

Учет зон безопасности на зубах является важным фактором предотвращения повышенной чувствительности после препарирования зубов.

Наши исследования этой тематики подтверждают, что вышеуказанные подходы предотвращают повреждение тканей пульпы зуба. Применение вышеуказанных методик профилактики предотвращают травму пульпы здоровых зубов, что значительно сокращает осложнения в зубном протезировании.

Ключевые слова: Препарирование зубов, гиперестезия, десенсибилизаторы, низкоинтенсивный лазер, высокоинтенсивный лазер, адгезивные системы, праймер, бондинг.

Annotation

Based on the analysis of special literature, modern methods of prevention and treatment of postoperative dental hyperesthesia were studied. Modern methods of preventing hyperesthesia after preparation are aimed at maintaining the viability and activity of the tooth pulp, while grinding teeth should be carried out in conditions protected from external influences. The use of artificially synthesized hydroxyapatite, modern desensitizers, electrophoresis 30%, silver nitrate solution, 1% sodium fluoride solution, potassium nitrate, low-intensity laser is effective in modern prevention and treatment of sensitivity after grinding.

Taking into account the safety zones on the teeth is an important factor in preventing hypersensitivity after tooth preparation.

Our research on this topic confirms that the above approaches prevent damage to the pulp tissues of the tooth. The use of the above methods of prevention prevents injury to the pulp of healthy teeth, which significantly reduces complications in dental prosthetics.

Key words: Teeth preparation, hyperesthesia, desensitizers, low intensity laser, high intensity laser, adhesive systems, primer, bonding.